

Сўзларимизнинг ҳисоби бор!



16:18 / 10.08.2025 2248

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга юриш ҳам ғанимат эди. Бунақанги имконият бўлиб қолса, саҳобалар дарров ундан фойдаланиб қолишар, имкониятни қўлдан чиқаришмас эди. Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳунинг саодатига қаранг!

Бир куни у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга кетаётиб сўради:

- Ё Расулаллоҳ! Шундай амални айтингки, у мени жаннатга киритиб, дўзахдан узоқлаштирсин! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

- Жуда ҳам катта ишни сўрадинг. Бу иш Аллоҳ осон қилган кишига осондир: Аллоҳга ибодат қилиб, Унга ҳеч нарсани шерик қилмайсан;

намозни қоим қиласан; закотни берасан; рамазон рўзасини тутасан,
Байтуллоҳни ҳаж қиласан! Сўнг яна дедилар:

- Эй Муоз! Сенга яхшиликлар эшигини кўрсатайми? Рўза қалқондир, садақа сув оловни ўчиргани каби хатоларни ўчиради, кишининг кеча қоронғусида ўқиган намози... - деб ушбу оятни ўқидилар:

«Уларнинг ёнбошлари ётар жойдан йироқ бўлур. Улар Раббларига қўрқув ва умидворлик ила дуо қилурлар ва ўзларига ризқ қилиб берганимиз нарсалардан инфоқ қилурлар» (Сажда сураси, 16- оят).

Сўнгра яна дедилар:

- Эй Муоз! Сенга барча ишларнинг боши, устунни ва энг юқори чўққиси нималигини айтайми? Ишларнинг боши Ислом. Унинг устунни намоз. Юқори чўққиси эса, Аллоҳ йўлидаги жиҳоддир!

Сўнгра яна дедилар:

- Эй Муоз! Буларнинг барчасининг асосини айтайми?

- Айтинг, эй Аллоҳнинг Расули!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тилларини ушлаб:

- Мана буни тий! - дедилар.

Муоз розияллоҳу анҳу деди:

- Эй Аллоҳнинг Набийси! Биз айтаётган гапимиз туфайли ҳам тутиламизми?

Набий алайҳиссалом дедилар:

- Онанг сени йўқотсин, Муоз!

Инсонларни ёмон тиллари дўзахга юзтубан қулатмаса, бошқа нима қулатади?!

Тилнинг суяги йўқ, аммо ҳар қандай суякни синдириши мумкин. Қанча-қанча кишилар кимнингдир ҳазил тариқасида айтган қўпол гапи учун кечаси билан ухлай олмасдан, тўлғаниб чиқади. Мажлис тарқалиб кетиши мумкин, аммо айтилган гап пичоқ сингари унинг қалбида санчилган ҳолатда қолади!

Қанча-қанча қизларга келган совчилар қўшниллар айтган биргина ёмон таърифни эшитиб, жим қайтиб кетади. Аслида, у қизлар ҳасадгўй қўшнилларнинг бўҳтонидан покиза эди!

Чақимчиларнинг, «бўлса, кўролмайдиган, бўлмаса, беролмайдиган» кишиларнинг дастидан қанча-қанча инсонлар ишидан, бола-чақасининг ризқидан ажралади!

Ёлғон гувоҳлик берувчи биргина сўз билан қанча-қанча мерослар тортиб олинади, одамлар ҳаққидан маҳрум қилинади. Ҳақлар ноҳақ ўзлаштирилади!

Ҳасад, кин-адоват туфайли айтилиб олов ёқилган биргина чақимчилик билан қанча-қанча дўстлар ажралиб кетишади. Дўстлик душманликка айланади. Муҳаббатга тўла қалблар оқибатда адоватга тўлади!

Гапимизга, қаламимизга ва ижтимоий тармоқлардаги ёзувларимизга, кишиларга раддиялар беришимизга назар солайлик. Аввало ўз саҳифамизни тўлдираётганимизни унутмайлик.

Ахир инсонларни дўзахга ёмон гаплар киритмаса, нима киритади?!

«Набавий тарбия» китоби асосида тайёрланди

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 7 мартдаги 03-07/1506-рақамли ва 2023 йил 24 мартдаги 01-07/1959-рақамли хулосалари асосида тайёрланган.